Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 26 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 24 (6920)

## Da'vat

*Ҳаё — инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.*

**Абу Али Ибн Сино.**

## Ibrat

Наврўз арафасида Қувасой туманидаги «Айритом» фермер хўжалиги раҳбари Қобилжон Шукуров 17-ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчиларига 10 минг сўмлик, «Одил» фермер хўжалиги бошлиғи Орифжон Мамаражабов эса 18-мактаб ўғил-қизларига қимматли совғалар тақдим этдилар.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти, қадриятлари, ўзбек тилининг кенг имкониятлари, мамлакатимизнинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича илмий акс эттириш, тарихий воқеа ва ҳодисаларга, шахсларга холисона баҳо бериш ҳамда уни кенг оммага етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Қомуслар бош таҳририяти негизида «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ташкил этилсин.

2. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»ни, шунингдек, кўп жилдли ўзбек тилининг изоҳли луғати, соҳа энциклопедиялари, кўп тилли луғатлар ҳамда маълумотномаларни тайёрлаш ва чоп этиш нашриётнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» бош таҳрир ҳайъати таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»ни нашрга тайёрлашга етакчи олимлар ва малакали мутахассисларни жалб этсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари миллий энциклопедияга киритиладиган ўз ҳудудларига тегишли мақолаларни уюштиришда ва тайёрлашда нашриётга яқиндан ёрдам берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига энциклопедик нашрларни ўз вақтида ва сифатли нашр этиш учун Тошкент китоб-журнал фабрикасини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, нашриётни тегишли қоғоз ва бошқа ашёлар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 10 кун муддатда Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда энциклопедик нашрларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятидан, уларни яратишнинг мураккаблигидан ва қўйиладиган юқори талаблардан келиб чиқиб нашриётнинг тузилмасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги билан биргаликда энциклопедик адабиётларга тегишли муаллифлик гонорари ставкаларини шартнома асосида эркин белгилаш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат матбуот қўмитаси тақдим этган ҳисоб-китобларга биноан нашриётнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий компьютер техникаси, матбаа ресурслари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда хорижий давлатлардан янги матбаа техникаси сотиб олиш учун бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминласин;

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётига 1 та енгил автомашинага лимит ажратсин.

9. «Ўзавтосаноат» уюшмасига битта «Дамас» (юк машинаси) ва битта «Тико» автомашиналарини нашриётга сотишга рухсат берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки нашриётни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олсинлар ҳамда чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун нашриётнинг тегишли счётларини очсинлар.

11. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва норматив ҳужжатларини, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг статистика тўпламларини олиши шарт бўлган муассасалар рўйхатига киритилсин.

Нашриёт директори меҳнатга ҳақ тўлаш, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси нашриётни белгиланган тартибда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақидаги зарур статистик маълумотлар билан таъминласин ва тегишли мақолаларни апробациядан ўтказсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивлари нашриёт ходимларига зарур ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги миллий энциклопедия саҳифаларидан ўрин оладиган чет давлатларга тегишли материалларни уюштиришда нашриётга яқиндан ёрдам берсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси нашриёт буюртмасига мувофиқ тегишли хариталарни ўз вақтида тайёрлаб бериш чораларини кўрсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1997 йил 20 март.

## Munosabat

# НАВРЎЗ!.. «УМИД»!.. ЁШЛИК!..

Бу сўзлар замирида уйғунлик бор. Наврўз уйғониш рамзи, «Умид» эса Ўзбекистон учун уйғоқ ёшларни танлаб ўқитади. Демак уйғониш, уйғоқлик ва албатта улғайиш сарлавҳамиздаги сўзлар замиридаги маъно...

Аввало Наврўз ҳақида... Шодиёналар ҳануз давом этмоқда, лекин аллақачон унинг илгариги байрамларга нисбатан ўзига хослиги яққол сезилди. Бу тантанада меҳрга зор дилбандлар — меҳрибонлик уйларининг болалари, ногиронларга нисбатан алоҳида эътибор сезилди. Ҳар бир масканда байрам тадбири уюштириляпти ва албатта совға-саломлар улашиляпти. Бу кимларгадир арзимас бўлиб туюлар, бироқ бировга меҳр улашишнинг завқини бу ишни бажарган меҳридарё кишиларгина тушунадилар. Бундай саховатнинг савоби ҳақида эса муқаддас битикларда кўп ўқиганмиз. Болалардаги қувончли лаҳзаларни ҳар бир тадбирда кўрдик, ҳузурландик. Уларнинг қувончидан кўпчилик ёшуллиларнинг кўзларида ёш югургани ҳам сир эмас... Наврўз ана шундай меҳр-муҳаббат, эзгулик рамзига айланди!

Бу кунларда, хусусан 21 март айёмидаги яна бир воқеа ҳақида гапирмасак бўлмас. Пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги миллий боғда Наврўз тантаналарининг бошланиш маросими, таъбир жоиз бўлса, намойиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Наврўз табриги йўллади. Табрикда шукроналик ҳиссини туйдик. Мана, ундан парчалар: **«Тинчлик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузию қиши ҳам — қўйингки, ҳар бир куни файзли, тароватли бўлади. Тотувлик, осудалик бўлган жойдан бало-қазолар йироқ юради...**

**Илоё, шу қутлуғ тонгда сепган уруғларимиз, ўтқазган кўчатларимиз мўл-кўл ҳосил берсин!**

**Юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака аримасин!**

**Наврўз саҳарида қилган тилакларимиз ижобат бўлсин!**

**Муқаддас Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!**

**Умримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!»**

Алқисса Наврўз шодиёналари давом этди... Пойтахтнинг байрамбоп хиёбонларида кечгача байрам бўлди. Бу тантаналар Республикамизнинг барча вилоятлари, туманлари, қишлоқларида ўзига хос такрорланмас бўлиб ўтганлиги ҳақида хат-хабарлар таҳририятимизга тинимсиз келиб турибди.

Шу кунларда яна бир тадбир уюшқоқлик билан ўтказилмоқдаки, унинг аҳамияти давлат ривожи учун беқиёсдир. У ҳам бўлса Ўзбекистон Президентининг «Умид» жамғармасининг таъсис этилганлигидир. Унинг асосий мақсади, иқтидорли ёшларни чет элларда ўқиб, билим олишлари учун ҳомийлик қилиш ҳисобланади. Танлов эълон қилингач, жамғарманинг шов-шуви илмга чанқоқ талабаларнинг ҳаловатини ўғирлади. Ҳужжат топширганларнинг янада ўқишга шўнғигани бунга яққол мисол. Наврўз тантанаси арафасида «Умид» жамғармаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда 1997—98 ўқув йилига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ёшларни бакалавриат, магистратура, шунингдек, мутахассисликлар юзасидан дастурлар бўйича тайёрлаш квоталари белгиланди, тест синовлари ва суҳбатлар ўтказиш комиссиялари раҳбарлари тасдиқланди. Танлов асосида икки юз нафардан зиёд ёш саралаб олингач, 1997—98 ўқув йилидан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг машҳур ва йирик олий ўқув юртларида таҳсил ола бошлайдилар. Танлов уч босқичдан иборат бўлиб, бугундан бошланиб 10 майгача давом этади. Жамғарма бошқаруви йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов иштирок этди.

Уйғониш фаслининг илк кунларида иқтидорли ёшлар билан боғлиқ яна бир қанча тадбирлар бошланди. Жумладан, умумтаълим фанлари бўйича олимпиаданинг Республика босқичи қатнашчилари кеча Темурийлар тарихи Давлат музейи ва Ўзбекистон тарихи Давлат музейларида бўлишиб, Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйиш билан ўз беллашувларини бошладилар. Шунингдек, Республика истеъдодли ёшларининг слёти ҳам бугун бошланади. Самарқанд давлат чет тиллари институтида ҳам истеъдодли ёшларни танлашда дунё тажрибаси мавзусида халқаро конференция ўтказилмоқда.

Кўриб турибсизки, уйғониш табиатнинг бир қисми бўлмиш биз — инсонларга, айниқса, ёшларимизга ўзига хос кайфият бахш этяпти. Демакки, байрам давом этади. Донишлар айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин, азизлар!

**Ҳалим САЙИД.**




КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ
2-бет.

Иқтисод сабоқлари:
ИНВЕСТИЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ
3-бет.

«ИБН СИНО ҚАСАМЁДИ» ДЕСАК БЎЛМАЙДИМИ?
4-бет.





## Navro'z shodiyonasi

# МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН ЭЗГУЛИК

Ҳамма жойларда бўлгани каби Шайхонтоҳур туманидаги Ғаффор Рашидов номли 98-мактаб-интернатда ҳам Наврўз байрами катта тантанага айланиб кетди. Илм масканининг 50 нафар тарбиячи-муаллимларини, 320 нафардан ортиқ тарбияланувчиларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Шайхонтоҳур тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев ва бошқалар самимий қутлашди. Айниқса, халқ таълими вазирининг болалар билан чин дилдан қурган суҳбати ўғил-қизлар қалбини энтиктиргани шубҳасиз. Буни ўқувчилар ҳаяжонидан, нур порлаётган кўзларидан пайқаб олиш қийин эмасди.

Бу ҳолат Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи муовини Эргаш Маъдиев уларга Президентимиз, Тошкент шаҳар ҳокимлиги совғаларини топширганида янада кучайди: уларнинг қувончига қувонч, ҳаяжонига ҳаяжон қўшилди. Катталар эътиборидан мамнун бўлган ўғил-қизлар санъатларини ўзига хос тарзда намоён этишди.

— Наврўз — янгиланиш, меҳнат ва баҳор байрами, — деди мактаб-интернат директори Хайрулла Саъдиев, — Шу боис ўқувчиларимиз бугунги тантанага бағишлаб кўргазма ташкил қилдилар. Бунда улар ёғоч ўймакорлиги, тасвирий санъат, кашта тикиш соҳаларидаги иқтидорларини намойиш қилганлар. Шу билан бирга ўқувчилар, «Ассалом, Наврўзи олам!» қўлёзма газеталарини чиқардилар. Албатта, бу юмушларда ўғил-қизларга Самад Бобожонов, Мастура Обидова, Фахриддин Мунировқаби ўқитувчилар бош-қош бўлдилар.

Дарҳақиқат, ҳамжиҳатлик қарор топган жойда меҳр, қут-барака бўлади, меҳнат кишиларга кўтаринкилик бағишлайди, кўмакдошлар, хайрихоҳлар кўпаяди. Шу ўринда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман «Савдо» жамоа корхонаси, «Чорсу» савдо маркази, «Ҳадя» комбинати байрамга ҳомийлик қилганини, Маҳмуд Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон радиосининг бир гуруҳ санъаткорлари, ёш томошабинлар театри артистлари, халқ термалари моҳир ижрочилари Отажон Ражабов, Жума Бобоевлар ўз санъатлари билан холис хизмат қилганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар саховат кўрсатиб, дил сўзларини билдиришиб, куй-қўшиқлар ижро этишиб, болажонлар меҳрини қозондилар. Зеро, Наврўз меҳр-мурувват, эзгулик байрами ҳамдир. Қадамингга гуллар сочилсин, Наврўз!

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: байрам тантаналари акс этган.**

**Сураткаш: Рашид ГАЛИЕВ**

## Maktabgacha tarbiya

# ЯНГИ БОҒЧА БИНОСИ — БАЙРАМ СОВҒАСИ

Куни кеча пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Ипакчи маҳалласида янги боғча биноси фойдаланишга топширилди. Кичкинтойларга туҳфа қилинган маскан Тошкент лойиҳалаштириш институти меъморларининг ижодий иши асосида бунёд этилган. Бир эмас, икки бинодан иборат ушбу таълим-тарбия ўчоғи бошқа ясли-боғчалардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ерда кенг ва ёруғ машғулот ўтказиладиган, овқатланадиган, дам оладиган ётоқхоналар ҳамда дилбандларнинг ёшига ва жуссасига мос жиҳозлар мажмуалари мавжуд. Мусиқа ҳамда бадантарбия-соғломлаштириш заллари киши ҳавасини келтиради.

Жажжилар масканининг яна бир афзалиги шундаки, ҳовлида турли машғулотлар ўтказиладиган тажриба синов ўйин майдончаси жойлашган. Ўзига хос қурилган айвончаларнинг усти Исроилдан келтирилган лексонат қопламаси билан беркитилган. У ниҳоятда енгил, ташқи кўриниши жуда ҳам чиройли бўлиши билан бирга ёруғликни яхши ўтказади.

— Наврўзи олам айёми арафасида мазкур таълим-тарбия масканининг фойдаланишга топширилиши ҳурматли ота-оналаримиз, меҳри дарё мураббийларимиз ҳамда қувноқ фарзандларимиз учун энг яхши совғадир, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев.

Боғча мудираси Мақсуда Мансурова таълим-тарбия маскани рамзий калитини қабул қилар экан, Республикамиз ҳукумати, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда 70-қурилиш бошқармасининг қўли гул бунёдкорлари шаънига миннатдорчилик изҳор этди.

Янги ясли-боғча шу куни 185 нафар кичкинтойни ўз бағрига олди. Қувноқлар масканига биринчи бор қадам қўйган болакайлар саккиз гуруҳда тарбия ола бошладилар.

**Дония ЗОКИРОВА.**

# JUMLADA JAHON

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорига биноан Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилади.**

**● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 25 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. 1 АҚШ доллари 58 сўм 19 тийинга тенг бўлди.**

**● АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Ричардсоннинг таъкидлашича, олий даражадаги Америка — Россия музокараларида ядро қуролларини бирмунча қисқартириш соҳасида ҳам сезиларли силжишга эришилди.**

**● Ўзини мустақил деб эълон қилган Тоғли Қорабоғ республикасининг Президенти Роберт Кочеряннинг Арманистон Бош вазири этиб тайинланиши қўшни давлат томонидан Озарбайжоннинг ички ишларига аралашув сифатида кутиб олинди. Боиси — Р. Кочерян аслида Озарбайжон фуқароси.**

**● Американинг Хюстон шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда иштирок этган олимлар фазодан олинган суратларга асосланиб, Европа қитъаси остида катта сув заҳираси борлигини маълум қилдилар. Қизиғи шундаки, илгари бундай ҳажмдаги сув заҳираси ернинг ҳеч бир қисмида учрамаган.**

## MMM XABARLARI

### КУРТАКЛАР ТАБАССУМИ

*Баҳор заминни гўзаллик билан сийлаяпти. Бу хушхабарни куртакларнинг кулган чеҳрасидан, субҳи-содиқда булутларнинг кўз ёшини кўксига тақиб жилоланаётган япроқлардан эшитишингиз мумкин.*

*Дарҳақиқат, баҳор айёми теграмизда мезбон бўлиб турган шу сонияларда Наврўз қувончлари диёримизда давом этяпти...*

*Жарқўрғон туманидаги Фурқат номли мактабда Наврўз айёмига бағишлаб «Хуш келдинг, Наврўз!» бадиий-адабий кеча ўтказилди. Йиғилишда ёш ижодкорлар студияси аъзолари ижросидаги истиқлол, Наврўз, баҳор ҳақидаги куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари барча иштирокчиларни хушнуд этди. Ҳаваскор шоирлар ўз машқларида фасли навбаҳорни тараннум қилдилар. Кеча сўнггида мактабнинг маърифат ва маънавият бўйича услубчиси А. Ўразалиев байрам дастурида фаол қатнашган ўқувчиларни Наврўз совғалари билан тақдирлади.*

**Ж. УСМОНОВ.**

### ҚУВОНЧ ЭЛЧИСИ ЭШИК ҚОҚДИ

*Худди шундай яна бир қувноқ кеча Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактабда ҳам бўлиб ўтди. Байрамни ўқувчилар шанбалик билан кутиб олишди. Шанбаликда барча синф ўқувчилари фаол қатнашиб, 200 туп терак ва 50 тупдан ортиқ мевали дарахтлар экишиб, боғ яратишга ўз ҳиссаларини қўшишди.*

*Байрам тантаналарида миллий ўйинларимизни халқимизнинг севимли урф-одатларини саҳна кўринишлари орқали 10-«А» ва 11-«А» синф ўқувчилари маҳорат билан ижро этдилар. Шу билан бирга юқори синф ўқувчилари устозлари бошчилигида ўз қўллари билан дошқозонда сумалак пиширишди.*

**Б. ОТАМУРОДОВ.**

## MMM XABARLARI

### ТАНСИҚ ТАОМЛАР — ДАСТУРХОН КЎРКИ

*Қўшработ туманидаги 80-таянч мактабида ҳам байрам тантаналари бўлиб ўтди. Бу ерда Наврўз дастурхонига баҳорнинг тансиқ таомлари тортилди. Мазкур илм даргоҳида узоқ йиллар ишлаб кетган устоз муаллимлар Б. Мадатов, Ҳ. Тангиров, Т. Саъдуллаев, М. Муҳаммедовлар кечанинг азиз меҳмонлари бўлишди.*

*Кечада Наврўзни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради, шеърлар ўқилди.*

**Ж. ИСКАНДАРОВ.**

|  | Туманлар | Она тили |  |  |  | Математика |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  |
|  |  | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни |
| 1 | Акмал Икромов | 47.42 | 2 | 60.89 | 3 | 42.92 | 8 | 56.67 | 10 |
| 2 | Бектемир | 41.94 | 10 | 58.02 | 10 | 38.49 | 11 | 47.22 | 11 |
| 3 | Миробод | 41.29 | 11 | 60.65 | 4 | 44.39 | 5 | 58.73 | 4 |
| 4 | Мирзо Улуғбек | 47.57 | 1 | 60.33 | 5 | 46.19 | 2 | 59.61 | 3 |
| 5 | Сирғали | 46.23 | 6 | 58.88 | 9 | 41.27 | 9 | 57.84 | 6 |
| 6 | Собир Раҳимов | 46.38 | 4 | 57.69 | 11 | 43.66 | 6 | 59.68 | 2 |
| 7 | Чилонзор | 47.11 | 3 | 61.48 | 2 | 49.13 | 1 | 60.86 | 1 |
| 8 | Шайхонтоҳур | 46.25 | 5 | 58.92 | 8 | 44.42 | 4 | 58.17 | 5 |
| 9 | Юнусобод | 45.29 | 8 | 59.87 | 7 | 45.10 | 3 | 56.94 | 8 |
| 10 | Яккасарой | 45.73 | 7 | 62.39 | 1 | 43.10 | 7 | 57.49 | 7 |
| 11 | Ҳамза | 42.86 | 9 | 60.08 | 6 | 40.20 | 10 | 56.93 | 9 |

|  | Туманлар | Физика |  |  |  | Биология |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  |
|  |  | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни |
| 1 | Акмал Икромов | 31.13 | 1 | 37.42 | 8 | 65.07 | 1 | 56.91 | 7 |
| 2 | Бектемир | 28.24 | 5 | 31.48 | 11 | 61.67 | 6 | 65.97 | 1 |
| 3 | Миробод | 24.67 | 11 | 42.19 | 1 | 58.22 | 8 | 58.64 | 3 |
| 4 | Мирзо Улуғбек | 27.84 | 7 | 40.75 | 3 | 57.06 | 9 | 56.84 | 8 |
| 5 | Сирғали | 26.62 | 10 | 35.52 | 10 | 59.34 | 7 | 53.39 | 11 |
| 6 | Собир Раҳимов | 27.74 | 8 | 38.72 | 5 | 62.89 | 3 | 56.37 | 10 |
| 7 | Чилонзор | 29.51 | 2 | 41.73 | 2 | 64.45 | 2 | 58.18 | 5 |
| 8 | Шайхонтоҳур | 29.36 | 3 | 37.35 | 9 | 62.80 | 4 | 56.84 | 9 |
| 9 | Юнусобод | 28.57 | 4 | 38.15 | 7 | 62.53 | 5 | 60.41 | 2 |
| 10 | Яккасарой | 28.15 | 6 | 38.94 | 4 | 55.74 | 10 | 58.33 | 4 |
| 11 | Ҳамза | 27.23 | 9 | 38.38 | 6 | 50.27 | 11 | 57.71 | 6 |













### Давлат Тест маркази таҳлили

# КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Газетанинг аввалги сонларидан бирида барча вилоятлар абитуриентларининг фанлар бўйича 1996 йилги тест натижалари чоп этилган эди. Унда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри натижаларини алоҳида-алоҳида эълон қилиш ниятимиз борлигини ҳам таъкидлагандик. Бугунги сонда Тошкент шаҳар туманларидаги мактабларни битирган ўқувчиларнинг билим савиялари таҳлилини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Жадваллар ва гистограммалардан ўзбек гуруҳлари бўйича Чилонзор тумани абитуриентларнинг ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, биология, кимё, тарих, инглиз тили, немис тилидан; Мирзо Улуғбек тумани ўқувчиларининг ўзбек тили ва адабиёти, математика, инглиз тили, немис тилидан; Акмал Икромов тумани ўқувчиларининг ўзбек тили ва адабиёти, физика, биология, француз тиллари бўйича бошқа туман битирувчиларига нисбатан самарадорлик кўрсаткичлари юқори эканлиги кузатилди. Бу мазкур туманлар умумтаълим мактабларида юқорида кўрсатилган фанлар бўйича таълим жараёни яхши йўлга қўйилганидан далолат беради. Шаҳар бўйича барча фанлардан паст кўрсаткичлар, айниқса, Ҳамза, Бектемир, Миробод, Яккасарой туманлари мактабларида таълим олган ўқувчиларида кузатилди.

Тошкент шаҳар абитуриентларини (ўзбек гуруҳлари) республика вилоятларининг юқори самарадорлик кўрсаткичларга эришган туманлари абитуриентлари билан таққослаш қуйидагича бўлди. Она тили ва адабиёти Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани абитуриентларининг самарадорлик кўрсаткичлари 47,57 фоизни ташкил этган бўлса, республикада юқори кўрсаткичга эришган Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани ўқувчилариники эса 55,69 фоизга тенг. Математика, физика фанларидан Чилонзор ва Акмал Икромов туманлари абитуриентлари 49,13 ва 31,13 фоиз кўрсаткичга эга бўлган бўлсалар, Хоразм вилоятининг Хазорасп тумани абитуриентлари эса ушбу фанлар бўйича 57,07 ва 45,86 фоиз кўрсаткичга эришганлар. Биология, кимё бўйича юқори кўрсаткичларга эришган Чилонзор тумани абитуриентларининг самарадорлик кўрсаткичлари 67,07 ва 58,46 фоизни ташкил этган. Хоразм вилоятининг Боғот тумани абитуриентлариники эса шу фанлардан 70,95 ва 60,47 фоизни ташкил этди.

Чет тиллар бўйича Тошкент шаҳар туманлари абитуриентларининг кўрсаткичлари республика туманларининг кўрсаткичларидан юқоридир.

Қуйида Тошкент шаҳар мактабларида таҳсил олган ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш учун тестларда қатнашиб, кўрсатган самарадорлик кўрсаткичлари келтирилади.

|  | Туманлар | Кимё |  |  |  | Тарих |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  |
|  |  | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни |
| 1 | Акмал Икромов | 52.13 | 4 | 54.01 | 8 | 52.58 | 5 | 59.52 | 7 |
| 2 | Бектемир | 40.56 | 11 | 54.40 | 5 | 40.08 | 11 | 57.02 | 10 |
| 3 | Миробод | 49.54 | 6 | 57.04 | 3 | 55.21 | 1 | 61.49 | 3 |
| 4 | Мирзо Улуғбек | 44.32 | 9 | 52.86 | 10 | 53.43 | 4 | 60.19 | 4 |
| 5 | Сирғали | 53.06 | 3 | 47.76 | 11 | 52.13 | 6 | 56.90 | 11 |
| 6 | Собир Раҳимов | 47.67 | 8 | 54.49 | 4 | 50.18 | 10 | 59.66 | 6 |
| 7 | Чилонзор | 58.46 | 1 | 54.15 | 6 | 55.18 | 2 | 63.77 | 1 |
| 8 | Шайхонтоҳур | 50.79 | 5 | 53.95 | 9 | 51.73 | 8 | 63.68 | 2 |
| 9 | Юнусобод | 53.18 | 2 | 57.25 | 2 | 51.89 | 7 | 59.50 | 8 |
| 10 | Яккасарой | 48.08 | 7 | 60.36 | 1 | 54.27 | 3 | 59.43 | 9 |
| 11 | Ҳамза | 41.78 | 10 | 54.03 | 7 | 51.36 | 9 | 59.93 | 5 |







|  | Туманлар | География |  |  |  | Инглиз тили |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  |
|  |  | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни |
| 1 | Акмал Икромов | 50.69 | 4 | 0.00 | 0 | 45.84 | 8 | 63.00 | 6 |
| 2 | Бектемир | 0.00 | 0 | 0.00 | 0 | 41.94 | 11 | 58.92 | 11 |
| 3 | Миробод | 77.78 | 1 | 0.00 | 0 | 47.50 | 6 | 63.74 | 3 |
| 4 | Мирзо Улуғбек | 34.03 | 7 | 43.06 | 3 | 51.53 | 2 | 62.13 | 8 |
| 5 | Сирғали | 0.00 | 0 | 41.67 | 6 | 47.35 | 7 | 60.86 | 9 |
| 6 | Собир Раҳимов | 46.83 | 5 | 42.46 | 4 | 47.52 | 5 | 64.28 | 2 |
| 7 | Чилонзор | 23.61 | 8 | 46.30 | 1 | 53.18 | 1 | 63.42 | 4 |
| 8 | Шайхонтоҳур | 55.56 | 3 | 41.67 | 5 | 49.15 | 3 | 62.80 | 7 |
| 9 | Юнусобод | 41.67 | 6 | 35.86 | 8 | 48.89 | 4 | 63.40 | 5 |
| 10 | Яккасарой | 75.00 | 2 | 45.37 | 2 | 44.04 | 10 | 67.14 | 1 |
| 11 | Ҳамза | 0.00 | 0 | 38.43 | 7 | 45.10 | 9 | 59.77 | 10 |

|  | Туманлар | Немис тили |  |  |  | Француз тили |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
|  |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  | Ўзбек тилида |  | Рус тилида |  |
|  |  | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни | Самарадорлик (фоиз ҳисобида) | Ўрни |
| 1 | Акмал Икромов | 28.29 | 7 | 50.51 | 2 | 32.41 | 3 | 68.52 | 2 |
| 2 | Бектемир | 28.47 | 5 | 38.54 | 10 | 13.89 | 11 | 0.00 | 0 |
| 3 | Миробод | 25.25 | 9 | 49.10 | 4 | 25.40 | 10 | 62.27 | 4 |
| 4 | Мирзо Улуғбек | 34.57 | 2 | 44.32 | 7 | 30.75 | 4 | 58.19 | 6 |
| 5 | Сирғали | 32.99 | 4 | 43.69 | 8 | 28.40 | 8 | 43.06 | 10 |
| 6 | Собир Раҳимов | 28.32 | 6 | 38.51 | 11 | 29.40 | 6 | 66.67 | 3 |
| 7 | Чилонзор | 33.28 | 3 | 50.96 | 1 | 28.70 | 7 | 57.33 | 7 |
| 8 | Шайхонтоҳур | 37.53 | 1 | 50.46 | 3 | 29.94 | 5 | 49.07 | 9 |
| 9 | Юнусобод | 27.92 | 8 | 43.61 | 9 | 49.60 | 1 | 74.12 | 1 |
| 10 | Яккасарой | 21.43 | 10 | 44.44 | 6 | 41.34 | 2 | 61.11 | 5 |
| 11 | Ҳамза | 19.33 | 11 | 44.87 | 5 | 26.39 | 9 | 54.05 | 8 |













# BOSHLANG'ICH SINF OQUVCHILARI UCHUN




Respublikamizda lotin harflari asosidagi o'zbek yozuvining joriy etilishi munosabati bilan yangi-yangi o'quv qo'llanmalariga ehtiyoj sezilmoqda. Shu bois keng kitobxonlar ommasiga yangi o'zbek yozuvini targ'ib va tashviq etish, o'rgatish-o'qitish borasida ayniqsa, TDIU dotsenti, UzPFTI katta ilmiy xodimi Sunnatulla Rizaevning tashabbuskorligi tahsinga sazovordir.

«Kamalak» nashriyoti tomonidan muallifning «Qaldirg'och» nomli sinfdan tashqari o'qish kitobi (boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun) qo'llanmasi chop etildi. Unda rivoyatlar, ertaklar, hikoyalar, she'rlar, tez aytishlar, topishmoqlar, hikmatli so'zlar, yumor va hajviyalar keltirilgan.

Qo'llanma iste'dodli shoir Azim Suyunning quyidagi she'ri bilan boshlanadi:

**MILLAT BAYROGI**

Qora o'tmish qoldi ortda,
Dorilomon kunlar yurtda,
Mehr—ko'zda, muhabbatda,
Porla, Millat bayrog'i!

Osmon to'la yulduz — oppoq,
Bir-biridan chaqnoq, biroq—
O'n ikkisi eng yarqiroq,
Porla, Millat bayrog'i!

Mangulik hur yo'ldasan,
O'ngidasan, so'lidasan,
Ozod xalqing qo'lidasan,
Porla, millat bayrog'i!

Qo'llanmaning yaxshi tomonlaridan biri unda keltirilgan barcha matnlar juda aniq, sodda va o'qishli qilib berilganligidadir. O'qib o'rganish juda oson va qulay bo'lib, matn harflarining normal shaklda, o'qishli qilib keltirilganligi maqsadga muvofiqdir.

Unda Abdulla Avloniy, Safar Barnoev, Qudrat Hikmat, Aziz Abdurazzoq, Anvar Obidjon, Xudoyberdi To'xtaboev kabi o'nlab shoir va yozuvchilarning she'r va hikoyalari, Amir Temur o'gitlarining berilganligini alohida ta'kidlash joiz.

Mazkur qo'llanmadan nafaqat boshlang'ich sinf o'quvchilari, balki yangi alifbomizni o'rganayotgan keng kitobxonlar ommasi ham foydalanishlari mumkin.

**Durdona QODIROVA,**
**Toshkent shahar, Yunusobod tumanidagi 9-maktabning boshlang'ich sinf o'qituvchisi.**

### Lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosini o'rganamiz

# O'N TO'RTINCHI MASHG'ULOT

**Ch (Ч ч)**

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жадвалидаги йигирма олтита ҳарфларнинг ўқилиши ва ёзилишини кўриб чиқдик. Энди бир товушни берувчи икки ҳарфдан иборат бирикмалар ҳақида тўхталамиз:

Ch — ҳарфлар бирикмаси ч деб ўқилади.

Xadicha — Хадича, Gulchehra — Гулчеҳра, chinor — чинор, chiroq — чироқ, chiroyli — чиройли, chol — чол, choy — чой, chinni — чинни, charog'on — чароғон, sichqon — сичқон ва шу кабилар.

Жумлаларни ўқиймиз:

Alisher Xadichani bayram bilan tabriklab, chiroyli chinni choynak sovg'a qildi — Алишер Хадичани байрам билан табриклаб, чиройли чинни чойнак совға қилди. Chirchiq tog'larida ko'p chashmalar bor — Чирчиқ тоғларида кўп чашмалар бор. Tinchlik istasang, tinchlik uchun kurash — Тинчлик истасанг, тинчлик учун кураш. Tenglar ichida birinchi-Тенглар ичида биринчи. Chollar chinor soyasida choy ichib o'tirishdi — Чоллар чинор соясида чой ичиб ўтиришди.

Вазифа: Ch ҳарф бирикмаси билан ифодаланган ч товушига сўзлар ёзинг ва шу сўзлардан гап тузинг.

**Ng (Нг)**

Ng — ҳарфлар бирикмаси бурун товушини ифодалайди.

Мисоллар: Tong — тонг, teng — тенг, so'ng — сўнг, o'ng — ўнг, keng — кенг, tinglamoq — тингламоқ, shuningdek — шунингдек, ohang — оҳанг, tanga — танга, tangri — тангри, ko'ngil — кўнгил, bodring — бодринг, shudring — шудринг.

Tongda qilingan ish, ko'ngilni qilar xush — Тонгда қилинган иш, кўнгилни қилар хуш. Illatning ildizi — xasislik — Иллатнинг илдизи — хасислик. O'rgangan ko'ngil o'rtansa qo'ymas — Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Kuching borida, tirikligingda mehnatga bardosh ber — Кучинг борида, тириклигингда меҳнатга бардош бер.

Вазифа: ҳар бир ҳарф учун мисоллар ёзиб, машқ қилинг.

**(Давоми бор).**

Боши ўтган сонларда.

## НАВОИЙ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда шеърият мулкининг султони, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 656 йиллигига бағишлаб «Алишер Навоий ижоди ва узлуксиз таълим тизимида инсон маънавиятини шакллантириш» мавзуидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Н. Аминов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, профессор Б. Қосимов, доцентлар Қ. Йўлдошев, Ҳ. Муҳаммадхўжаев, заҳматкаш олима С. Ғаниевалар сўзга чиқишиб, олий ўқув юртларида А. Навоий ижодини ўрганиш асосида маънавиятни шакллантириш муаммолари, Навоий педагогик қарашларининг асосий хусусиятлари, Навоий шеъриятида руҳият иқлимлари ва бошқа мавзуларда қизиқарли маърузалар ўқишди. Анжуман йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

**Норали ОЧИЛОВ.**

Iqtisod saboqlari

# ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Республикамизда айни вақтда ички инвестицион фаолиятни кучайтириш мақсадида аҳоли ва давлат манбалари ҳисобидан бир қатор фондлар, хусусий ва ҳиссадорлик банклари, суғурта компаниялари ишлаб турибди. Бундай маблағлардан фойдаланиб ишлаб чиқаришда маҳсулот турларини кўпайтираётган ва корхона қувватини ошираётган ташкилотларнинг иқтисодий аҳволи тобора яхшиланиб бормоқда. Масалан, Навоий цемент заводи ишлаб чиқараётган цемент турини 2 хилдан 7 хилгача кўпайтириб, сифатини ҳам илғор мамлакатлар андозалари даражасига етказди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати эса йилига икки баробардан зиёдга ошди. Натижада корхона маҳсулоти хорижга ҳам чиқарила бошланди ва шу туфайли ишчилар маоши бир неча баробарга ўсди. Воситачилик ва савдо-сотиққа мўлжалланган ишбилармонликдан ишлаб чиқариш ҳамда инвестицияга асосланган тадбиркорликка ўтиш товар ишлаб чиқарувчилар ва банк муассасаларидан алоҳида масъулият талаб этади. Бунда энг аввало, бозорда инвестицион жараённи фаоллаштирадиган муҳит пайдо қилиш лозим. Бунда инфляцияни, банк фоизларининг миқдорини, солиқ ставкаларини камайтиришдан ташқари инвестицияга мўлжалланган сармояларни жамғариш ҳам катта аҳамият касб этади.

(Давоми. Боши 15 март сонида)

Капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим муаммоларидан биридир. Хўш, самарадорликни оширишнинг қандай йўллари бор?

Самарадорликни оширишнинг муҳим йўлларидан бири бу — қурилиш муддатларини қисқартиришдир. Барпо этилаётган иморат ёки иншоот қанча тез ишга тушса, шунча барвақт фойда келтира бошлайди. Ҳисобларга кўра, қурилишнинг давом этиш вақтини 10 фоизга қисқартириш қурилиш-монтаж ишларига қилинадиган харажатларни 1-2 фоиз камайтирар экан. Шу ўринда тугалланмаган қурилиш объектлари ҳаракатсиз капитал эканлигини, демак ҳеч қандай самара бермаслигини, аксинча улар ортиқча штатлар ҳисобига, баъзан эса материал ва конструкциялар яроқсиз бўлиши ҳисобига зарар келтиришини таъкидлаш жоиздир. Шунинг учун ҳам кимошди савдосида жуда кўп қурилиши тугалланмаган объектлар сотилмоқда.

Ишга туширилган қувватларни тўла ўзлаштириш — бу самарадорликка эришишнинг яна бир йўлидир. У:

— амалдаги асбоб-ускуналардан смена ичида тўлиқ фойдаланиш ҳамда сменалар сонини кўпайтириш;

— лойиҳа ташкилотларида капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишга эришиш, яъни энг янги фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб, архитектура ва конструктив элементларнинг муқобил ечимларини топиш, сармоя таркибий тузилмасида қурилиш-монтаж ишларига сарф-харажатларни камайтириш ва асбоб-ускуналарга бўлган харажатни ошириш;

— имкон бор жойларда маҳсулотни кўпайтиришни янги корхоналар қуриш ҳисобига эмас, балки мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш (қайта қуриш), асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш ҳисобига йўлга қўйиш;

— шаҳардаги бинолар қаватларини кўпайтириш, муҳандислик коммуникацияларидан оқилона фойдаланиш орқали рўёбга чиқарилади. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси сармоялар самарадорлигини оширувчи тадбирлардир.

Инвестициялардан фойдаланиш сиёсатини муқобил йўлини топган давлатнинг келажаги порлоқдир. Ҳаётий тажриба тарикасида урушдан кейинги (1945 йилдан сўнгги) оғир йилларда Германия, Италия, Япония мамлакатлари, асосан, АҚШ ва Англиядан олиб кирилган капитал маблағлар туфайли ўз иқтисодларини ўнглаб олганликларини кўрсатиш мумкин. Масалан, 50-йилларнинг ўртасигача АҚШ ва Англиядан Япония ҳисобига йилига 8 миллиард доллар маблағ инвестиция қилингани маълум. 1990 йилларга келиб, АҚШ, Англия, Германия, Япония дунёдаги энг йирик инвестициялар мамлакатларига айланди. Ҳозирги даврда Япония инвестиция ҳажми жиҳатидан АҚШга тенглашиб қолди. Туркия, Хитой иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишида ҳам хорижий сармояларнинг роли каттадир.

Ватанимиз ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш ишига қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинган. «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 12 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 31 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг ҳаракат қилиши учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шарт-шароитларни кенг кўламда яратилганлигидан далолатдир.

Шу боис Ўзбекистонда йирик хорижий банклар «Чейзманхеттъенбанк», «Дойчебанк» ва бошқа турли эл мамлакатлари банклари бўлим ва компанияларининг 166 та ваколатхонаси ишламоқда. Улар инвестицион жараённинг жонланишига ижобий таъсир кўрсатаяпти. «Марказий Осиё» инвестбанки, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларида қурилаётган иншоотларни маблағ билан таъминлайди.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар чет эл инвесторлари бўлишлари мумкин:

а) хорижий давлатлар; б) ажнабий юридик шахслар; в) халқаро ташкилотлар; г) ажнабий фуқаролар, фуқароларнинг уюшмалари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; д) чет элдаги доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш керакки, маълум сабабларга кўра, хорижда доимий яшаётган 3 миллиондан ортиқ ватандошларимизнинг кўпчилиги ишбилармон-сармоядорлардир. Уларга ўз сармоялари билан республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилиши мамлакатимиз мустақиллигининг ширин меваларидан бири деб билмоқ лозим.

Чет эл инвестициялари деганда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа хилдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар қўшадиган барча турдаги мулкий-молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади. Бундай бойликлар:

— пул маблағлари, аниқ мақсадли банк омонатлари, улушлар, акциялар, суғурта полислари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлардан;

— кўчар ва кўчмас мол-мулкдан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа бойликлардан);

— муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган мулкий ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал бойликлардан;

— Ўзбекистон Республикасининг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг эгалигидаги ерлар, мол-мулклар ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш учун чет эллик инвесторлар сотиб олган ижара ҳуқуқидан;

— ўзга бойликлардан иборат бўлиши мумкин.

(Давоми бор).

Tashabbus

# ЯШИЛ БОҒЛАР ЯРАТАЙЛИК!

## Республика фахрий педагоглар кенгаши аъзоларининг МУРОЖААТИ

*Она юртимиз тупроғи олтин, саховатли. Унга ниҳол эксанг, дарахт, боғ-роғ ҳосил бўлади. Қадимий удумимизга кўра, оилада ўғил бола туғилса, унга атаб, тераклар экилган. Негаки, фарзанд улғайгач, унга алоҳида уй-жой қуриш лозим. Бундай савоб ва саховатли ишлар одатда илк баҳордан бошланади. Шу боис элимизда Наврўзнинг ташрифи қутлуғдир, деган нақл ҳам бор. Чунки бу фаслда боғ-роғларнинг кўпайиши учун замин яратилади.*

*Биз қариялар элимизнинг боғлар яратишдек удумларини, қадриятларини ёш авлодга етказишимиз, ўзимиз ҳам бу ишда ибрат кўрсатишимиз лозим. Гарчи ёшимиз бир жойга бориб қолган бўлса-да, ҳали қалбларимиз эзгу ҳисларга тўла, ғайратимиз дарёдек жўшқин. Бунёдкорлик ишларини амалга оширсак деймиз. Дастурхонимиз тўкин-сочин бўлиши, элимиз тўқ ва фаровон яшаши учун кўплаб боғ-роғлар яратишимиз керак.*

*Мамлакатимизда 5 миллионга яқин ўқувчи ва талаба, сал кам бир миллион маорифчи бор. Биз кекса педагоглар фақат халқ таълими ходимлари, ўқувчи ва талабаларнигина эмас, балки ҳамма-ҳаммани кўчат экиш ойлигида фаол қатнашишга даъват этамиз. Биз яратган яшил боғлар, гулзорлар ўлкамизнинг кўрки бўлсин, юрт дастурхонига тўкинлик бахш этсин, ёшларни табиатни севишга ва яшнатишга чорлаб турсин!*

*Ўзбекнинг узумини еган, дардга чалинмайди. Олмасини еган олқиш олади. Луччак шафтолига хуштор бўлмаган ким бор? Асалдек тотли анжирнинг хумори ўзгача! Мевали дарахтлар орасида кўксултоннинг кўкрак кериб туришини кўринг! Дастурхонимиз бундай мевалардан ял-ял товланади.*

*Ниҳолларни ёшу қари, эркагу аёл, барча-барча эксин, парваришласин! Ҳар бир қадалган кўчат 3—5 йил ўтиб, ҳосилга кирса, бу насибанинг тўкислиги. Маълумотларга қараганда, мева-чеваларнинг 55 фоизи, узумнинг учдан бир қисми шахсий томорқаларда етиштирилар экан. Демоқчимизки, мева-чевага бой бўлиш учун бир йил эмас, доимо ишлаш, тер тўкиш керак. Хитойда экинзорларнинг четларига дарахт ниҳоллари экишади. Бизда ҳам бундай анъана мавжуд.*

*15 мартдан 15 апрелгача кўчат экиш ойлиги эканлигини барчамиз яхши биламиз. Ҳар биримиз 2—3 тупдан кўчат эксак, унинг кўкаришини таъминлашга бош қўшсак, она ватанимизда шовуллаган боғлар яна ҳам кўпаяди. Боғлар ҳосилидан баҳраманд бўлган ҳар бир киши айниқса, ёш авлод, соғлом ва бақувват бўлади.*

*Ўзбекистоннинг ҳавоси мусаффо, суви чашмадек тиниқ. Унинг ҳар бир қарич ерида ниҳол кўкаради. Кўчаларга, ариқ четларига, таълим масканлари ҳовлиларига, экинзорлар атрофига, маҳаллаларга, гузарларга ниҳоллар узукка қўйилган зумрад кўздек ярашади. Шундай экан, азизлар, келинг, кўчат экиш ойлигида ҳар биримиз фаол қатнашайлик! Эзгу ишдан ҳеч биримиз четда қолмайлик! Яраладиган янги боғлар келгуси авлодларимиз учун биздан ёднома бўлсин!*

**Республика фахрий педагоглар кенгашининг бир гуруҳ аъзолари.**

Tadbir

# ДИЛЛАР ШОДЛИККА ТЎЛДИ

**Навбаҳор очилди гуллар**
**сабза бўлди боғлар,**
**Суҳбат айлайлик,**
**келинглар**
**жўралар, ўртоқлар.**

Аслида дилбар қўшиқ киши дилига ҳузур бағишлайди. Қўшиқ қанотида гўёки қушдек олис-олис маъволарда парвоз қиласиз, ёқимли куй сеҳридан маст бўласиз. Бу дилбар қўшиқ санъаткор тилидан эмас, саховатли она заминбағридан отилиб чиқаётгандек туюлаверади.

Эрта тонгданоқ Тошкент шаҳар қўшимча таълим мажмуи ҳовлиси тўйхонани эслатарди. Барчанинг кайфияти чоғ, юз-кўзларида қувонч, лабларида табассум. Катта қозонларда анъанавий Наврўз таомлари тайёрланяпти, миллий либослардаги қиз ва жувонлар катта иштиёқ билан дастурхон безашаяпти. Хонандалар ижро этаётган оҳангдор куй-қўшиқлар дилларга хуш ёқади.

Ҳа, Наврўз баҳонасида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар қўшимча таълим мажмуи ташаббуси билан «Ишонч» клуби очилишига бағишланган тақдимот маросими ана шундай шодиёналик билан бошланди.

Тадбирни Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Нотиқ мамлакатимизда келажак авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор берилаётгани, авлодимиз соғлом ўсиши йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этиб, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бу йўлдаги барча хайрли ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

— «Ишонч» клубини ташкил қилишдан мақсад ногирон болаларнинг ҳар бир кунини иложи борича мазмунли ва мароқли ўтказиш, уларнинг ўксик қалбларига таскин беришдан иборат эди, — дейди шаҳар қўшимча таълим мажмуи директори Галина Ҳамзаева.

Қисматнинг шум ёзуғи, тақдирнинг қалтис ўйинлари туфайли кимдир жисман ногирон, кимдир ақлан заиф яралган. Тангри бировни у, бировни бу куйга солиб қўйибди. Лекин уларнинг ҳам одам отлиғ унвонлари бор. Улар ҳам Сизу биз яшаётган осмон остида яшашга, биз нафас олаётган ҳаводан нафас олишга ҳақлидирлар. Шундай экан, айём кунларида уларни йўқлаш, кўнгилларини кўтариш, дилларига қувонч олиб кириш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Республика Меҳр-шафқат жамғармаси (раис ўринбосари Мухтор Усмонхўжаев), Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси (раиси Ҳожиакбар Бахтиёров), «Агрико» фирмаси (15 минг сўм), Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси 50 минг сўм пул ажратди. Юқорида номлари зикр этилган жамғарма ва ташкилотлар кўп болали, кам даромадли хонадонларга ҳамда дардманд, ногирон болаларга беминнат ёрдам қўлини чўзмоқда. Шу куни пойтахтнинг барча туманларидан ташриф буюрган 200 нафардан ортиқ ногирон болаларга турфа хил ширинликлар улашилди. Инсон боласи, энг аввало, нимага муҳтож? Менинг наздимда у учун бир чимдим меҳргина кифоя қилади. Бундай ташналик туйғуси барчада ҳам бўлади. Айниқса, ҳаёт бешафқатликларига нишон бўлган, кўнгли ярим, қалби хаста бу болалар учун меҳрибонлик нондай, жондай азизлигини ким инкор этади.

Байрам кунлари болалар эътиборига «Сумалак», «Сеҳрли бола», «Ассалом, Наврўз!» каби турли мавзуларда яратилган ва муҳими, халқимизнинг ўлмас урф-одатлари, анъаналари тараннум этилган саҳна кўринишлари ҳавола этилди.

10-12 ёшдаги болажонлар ўзларига берилган ролларни худди театр артистларидек бажаришар, шундай куй, қўшиқлар ижро этишардики, тинглаб сел бўлиб кетасан, одам. Жозибадор рақсларни кўриб саҳнада жажжи қизлар эмас, бир тўп анвойи гуллар чарх ураётганмикин, дейсиз.

Хуллас, шу тадбир баҳона юзлаб ногирон болалар яйрашди, ўйнаб кулишди, хурсандчилик қилишди. Лекин шуниси ҳам борки, ўзбекнинг, барибир яхши кунлари, эзгу ниятлари жуда кўп. Болажонларимиз ҳам ушбу байрамни эслаб қолишса, бир чимдимгина бўлса-да, улашилган қайноқ меҳр баҳона юракларига илиқлик, югурганлиги рост бўлса, ажаб эмас!

**Улуғбек АКТАМ ўғли.**

Rasmiy bu'lim

# ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК ТАЯНЧИ

**Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномага амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Россия Федерацияси умум ва касб таълими вазирлигининг алоқалари ривожланиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари М. С. Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз маорифчилари делегациясининг Москва шаҳрига ташрифи ҳам ана шу мақсадни кўзда тутганди. Ҳар икки мамлакат маорифчилари вакилларидан иборат делегацияларнинг учрашувида 1997 йилда хўжалик-иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама қилинди ва муайян битимга эришилди.**

**Битимни Ўзбекистон томонидан Республика Халқ таълими вазирлиги моддий-техника таъминоти Бош бошқармаси бошлиғи Б. Ҳамидов, Россия Федерацияси томонидан умум ва касб таълими вазирлиги социал-тараққиёт ва моддий-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи В. Корольковлар имзоладилар. Битимда кўзда тутилган ўзаро ҳамкорликнинг асосий мақсади таълим учун зарур нарсаларни вақтида етказиб бериш, ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишни таъминлаш, зарур буюмларни етказиб бериш ва тўловлар бўйича қўшимча назорат-мувофиқлаштиришни ўз зиммасига олиш асосида таълим муассасаларини моддий-техника таъминоти самарадорлигини оширишдир. Шунингдек мазкур ҳужжатда тадқиқотлар ўтказиш, ўқув асбоб ва ускуналари, таълимнинг техникавий воситаларини яратиш ҳамда уларни молиявий таъминлашда биргаликдаги куч-ғайратларни сафарбар этиш ҳам қайд этилди.**

**Битимга кўра Россия маорифчилари 1997 йилда Ўзбекистонга 1 миллиард рублга яқин миқдордаги таълимнинг техника воситаларини, ўқув ускуналари ва асбобларини, кўргазмали қуроллар ва бошқаларни етказиб беради. Ўзбекистонликлар эса уларга турли хом ашё маҳсулотлари, бартер асосидаги мева-чевалар юборадилар.**

**Битимда Россияда ишлаб чиқарилган таълим воситалари ва ускуналарини таъмирлаш, қайта тиклаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона бунёд этиш чора-тадбирлари ҳам қайд қилинди.**

**Тузилиб имзоланган янги битим, шубҳасиз, ҳар икки мамлакат маорифчилари ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг таянчи бўлиб қолади.**

## КУЛГУЛАР КЎККА БЎЙЛАШДИ

Наврўз байрами шодиёналари кўҳна Самарқанднинг Регистон майдонида ҳам айрича тантаналар билан нишонланди. Баҳорнинг тансиқ таомлари тортилган дастурхонга шаҳар аҳолиси, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари таклиф этилди. Байрам тантанасига вилоят ҳокими А. Мардиев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Бекмуродовлар қатнашиб, йиғилганларни баҳорий айём билан муборакбод этишди.

Қувонарлиси шундаки, Наврўз айёми арафасида вилоятнинг Самарқанд, Нуробод, Ургут туманларида, шунингдек Каттақўрғон шаҳрида 3 минг ўқувчига мўлжалланган янги мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**Мухбиримиз.**

***

Яна қувончли бир гап. Шу вилоятнинг Қўшработ туманидаги 55-ўрта мактабда баҳор байрами ҳамда истеъдодли шоира Гулбаданбегим таваллудининг 475 йиллигига бағишлаб «Иқбол» қизлар баҳси бўлди. Беллашувда мактабнинг 6 нафар аълочи, зукко қизлари иштирок этишди. Улар асосан 5 та шарт асосида зукколикларини намойиш қилдилар.

Хуллас, «Иқбол» иштирокчиларининг барчасини улуғ шоиранинг руҳлари шодлиги бўлдими, ёхуд томошабинларнинг меҳрли нигоҳлари сабабми, тўплаган баллари орасида деярли фарқ бўлмади.

Шундай қилиб беллашувда Ҳилола Наврўзова, фахрли биринчи, Н. Бегалиева иккинчи, Г. Шониёзова ва Ф. Хувайдоевалар учинчи ўринларни эгалладилар.

**И. ҒАЗНАЕВ.**

**А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил апрель ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари**

## ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

1. Вилоят ХТБнинг молиявий ишлар бўйича назоратчилари (эконом) (Узб.) — 1-14
2. ВУМОИ (ВПХМОИ) ўқув ишлари бўйича проректорлари (Узб.) — 7-12
3. Урта мактаб директорлари (тарих-география мутахассислиги бўйича) (Узб.) — (1-29)
4. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари учун курс (Узб.) — 16-29
5. Узбек тили фани методбирлашма раҳбарлари (Узб.) — 1-29
6. Математика фани методбирлашма раҳбарлари (Узб.) — 1-29
7. ЭҲМни ўқув жараёнига тадбиқ этиш: тарих, география ўқитувчилари учун (Узб.) — 16-29
8. ВУМОИ ва ВПХМОИ бошланғич таълим кабинети мудирлари (Узб.) — 1-14
9. Мактаб бошланғич синф ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари (Узб.) — 1—29
10. Рус тили дарслари ва янги педагогик технология (Рус.) — 16-29
11. Рус тилида ўқитиладиган ёрдамчи мактаб-интернатларнинг ўзбек тили ўқитувчилари(Узб.) — 1—29
12. Умумтаълим мактаб-интернатлари ва болалар уйлари директорлари (Узб.) — 1-14
13. Тарих фани бўйича ўқувчилар билимини тест-рейтинг усулида баҳолаш (олий ва 1 тоифали тарих ўқитувчилари) (Узб.) — 16-29
14. «Соғлом авлод учун» жисмоний тарбия ўқитувчилари (Узб.) — 1-14
15. Чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари (Узб.) — 1-29
16. Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар ижодий маркази (ВУИМ) услубчилари (Узб.) — 1-29
17. Туман (шаҳар) ХТБнинг кутубхона методистлари (Узб.) — 1-14
18. Т/Ш ХТБ назоратчи-методистлари (Узб.) — 16-29
19. Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирлари (2-оқим) (Узб.) — 31-5
20. Туман ХТБ методкабинет мудирлари (3-оқим) (Узб.) — 7-12
21. Биология фанини янги дастур ва дарсликлар асосида ўқитиш. (Олий ва 1 тоифали биология ўқитувчилари) (Узб.) — 1-14
22. Туман ХТБ метод кабинет мудирлари (4-оқим) (Узб.) — 14-19

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-5 апрель кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси. Телефон: 46-06-62. 46-06-67.



**Баҳор Тошлоқ туманидаги 17-ҳунар лицейига ҳам жўшқинлик ва қувонч келтирди.**

**Равиль Альбеков олган сурат.**

To'y

# БАҲОР ЎТКИНЧИМАС...

Баҳор алдамайди. Фурсат етгач, у ҳовлиқиб-ҳовлиқиб кириб келади. Қизил байроқлармас, қизил гул-лолалар кўтариб, аллақандай чучмал шиорлармас қалдирғочлар шевасида соғинчли саломлар айтиб келади. Баҳор боис борлиқ янгориш, покланиш бахтига эришади. Дов-дарахтлар яна қайта куртаклар ёя бошлайди, дарёю анҳорлар бир қур покланиб тиниқлашади, кўнгилларда янги-янги ҳис-туйғулар, истак-майллар уйғонади. Қуёш гўё кўкдан илиқ нурлармас, илиқ табассумлар, қувончу шодликлар сочади.

Аммо аччиқ бир ҳақиқат олдида бош эгамиз: баҳор ўткинчидир. Истасак-истамасак-да, у ўз ўрнини олов нафасли саратонга бўшатиб беради. Бироқ айни кунларда Наврўз айёми гаштини суриб юрган, юрагига яратувчанлик ишқи инган юртдошларимнинг юз-кўзига, руҳиятига разм соларканман, хаёлотимни бир ўй чақмоқдек ёритиб ўтди: «Йўқ, баҳор ўткинчимас...» Айниқса, куни кеча ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантанасида қатнашиб шууримда балқиган ўша ўйга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим...

***

Ҳунар таълими ходимларининг малакасини ошириш институти бир зумда гавжум бўлиб кетди. Столлар безатилган, дастурхонлар тузатилган, каттаю кичикнинг вақти хуш, димоғи чоғ эди. Ҳофизлар хониши авж пардасида. Шу пайт давра тўрида осиғлик қип-қизил гиламга битилган сўзлар диққатимни тортди: «Лолахон ва Алимқулжоннинг висол тўйига хуш келибсиз!» Ия, бу ёғи қизиқ бўлди-ку?! Биратўла икки тантана устидан чиқиб қолдим шекилли? Шу институт ректори, таниқли устоз Р. Гайнуддинов ҳайронлигимни пайқаган бўлса керак, жўнгина изоҳ бериб ўтди:

— Ҳа, бугун бизда қўш байрам. Ҳам Наврўзни нишонлаяпмиз, ҳам икки ёшнинг никоҳ тўйини. Институт жамоаси билан кенгашиб шундай қарорга келдик.

Ҳа, ҳаммаси кундай равшан: ҳунар ходимларининг малакасини ошириш институти жамоаси зимдан серсавоб саховатга қўл уришган, ҳар иккиси ҳам оддий, меҳнаткаш оилаларнинг фарзанди бўлган, бозор иқтисоди шароитида моддий қийинчиликларга учраган ёшларнинг тўйини институт кўмагида ўтказишга жазм этишган... Шунчаки кўз ташлаганда бу оддий бир ҳол, бироқ андак мулоҳазаларга эрк бериб, моҳиятга чуқурроқ назар солсак, ўзгача бир манзарага гувоҳ бўламиз. Бу қўш байрамда ота-боболаримиздан мерос, бир миллий маънавиятимиз балқиб турибди: инсонни қадрлаш... Ахир, инсонни қадрлай билишнинг ўзи улкан тантана, туганмас шодиёна эмасми? Қолаверса, байрам деганлари шунчаки карнай-сурнай чалиб, ашула айтиб кунни кеч қилишмас-ку? Байрамда, конкрет Инсон юраги чинакам қувонч туйғуларини татиб кўрсин-да... Мана, ўзимизнинг қадрдон Наврўз. Хўш, биз не учун унга бу қадар меҳр-муҳаббат қўйиб ардоқлаймиз? Жавоб оддий: Наврўз инсонлар манфаатини кўзлаган чинакам байрам. Наврўзда сумалак тайёрланади. Сумалак, бу — кўклам, Наврўз рамзидир, шу билан биргаликда қиш бўйи бўшашиб, витамин талаб бўлиб чиққан одам организми учун кучли озуқадир! Ахир илиги қуриб турган кишига карнай-сурнай овози ёқмайди-да! Сумалакдан бир бор тўйиб егач эса...

Ҳолбуки, баҳор белгиси, Наврўз тимсоли, деб ўроқ ва болға тутган бир жуфт нусха тасвирланган ҳайкал атрофида ҳам айланиб ўргилишимиз мумкин эди, баҳона тайёр: бу ҳайкалда янги куч, янги илҳом билан меҳнаткашлар келажак сари олға боришаяпти, тамом! Эътирозга ўрин йўқ! Ҳақиқатда эса бу ҳайратли ҳайкаллар инсон қадр-қимматини, манфаатларини болға билан топтаб ўроқ билан ўриб ўтиш учун боришмоқда...

Ҳунар таълими ходимларининг малакасини ошириш институтида қўш байрам завқ-шавқ билан серфайз ўтди. Зеро, холис ният кишиларнинг меҳр-муҳаббатига, саховатига йўғрилган тантана бундан ўзгача бўлмас...

***

Мен қўш байрам қатнашчиларининг, айниқса, давра тўрида ийманибгина турган келин-куёвнинг чеҳраларига назар ташларканман, ўша ёрқин ўй яна бир карра бутун борлиғимга ёйилди: «Баҳор ўткинчимас, у кўчкинчи холос».

Ҳа, баҳор мангу яшаб қолиш учун ўзига муносиб маскан излайди. У табиатдан, пойдевори маърифату маънавият асосига қурилаётган жамият томирларига кўчиб ўтади. Баҳор табиатдан ўзлигини англаётган, бир-бирини қадрлаётган Инсонлар юрагига кўчиб ўтади.

Мен ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институтида нишонланган қўш байрам қатнашчиларининг юз-кўзида, қалбида ўша мангу баҳорни кўргандек бўлдим...

**Луқмон БЎРИХОН,**
**«Маърифат»нинг**
**махсус мухбири.**

